

4-МАВЗУ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИНТЕНСИВ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ.

Режа:

- 1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилишни инновацион технологиялар асосида ташкил этиш.**
- 2. Сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил этиш.**
- 3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашни ташкил этиш.**
- 4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализациясини ташкил этиш.**

1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилишни инновацион технологиялар асосида ташкил этиш

- Агросаноат мажмуининг фаолиятида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан биргаликда, маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган инфратузилма бўғини жуда муҳим аҳамиятга эга. Айнан етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш давр талаби.
- Қишлоқ хўжалик маҳсулот етиштирувчиларни бош вазифаси - тузилган шартномаларга мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқаришни нақадар миқдор кўринишида етказиб бериш, балки маҳсулотни истемолчига қулай ва сифатли ҳамда арзон баҳоларда етказиб беришига эътибор қаратилиш лозим.

Инновацион агротехнологиялар

- экиш муддатларини кузги юмшоқ буғдой навларининг ҳосилдорлигига таъсири
- турли ғўза навларида экиш усулларининг ҳосилдорликка таъсири
- буғдойни касалликлар ва зараркунандалардан химоя қилиш
- ғўза шираларини биоэкологияси ва уларга қарши кимёвий курашнинг самарадорлиги
- “андижон-37” ва “султон” ғўза навларига ресурстежамкор технологиялар таъсири
- агроруда ва маъдан ўғитларни кузги буғдой ҳосилдорилигига таъсири
- иситиш манбаъсиз эртанги бодринг етишти- риш технологияси

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши муносабати билан қайта ишлаш корхоналари олдида қуйдаги долзарб масалаларни ҳал этиш кун тартибида турипти:

- -замонавий моддий техника базасини шакллантириш,
- -етарлича миқдорда идиш (кадоклаш) ва ҳокозаларга эга бўлиш керак.

КАЙЗЕН – УЗЛУКСИЗ ЯХШИЛАНИШ

Кайзен (Kaizen) – жараённи узлуксиз қадамма-қадам мунтазам яхшилаш. Япончада **Kai** – ўзгариш, **Zen** - яхшилашга

Кайзен асосий принциплари.

1. Доимий режалаштирилган яхшиланиш.
2. Кунлик фаолият.
3. Айрим ўзгаришлар.
4. Катта сарф ҳаражатларни талаб этмайдиган ўзгаришлар.
5. Ташкилий маданият.
6. Ақли расо бўлмоқ.
7. Умумий жалб қилиниш.



Кайзен – юқори ҳаражатларни талаб қиладиган кескин ривожланиш бўлган инновацияларга қарама қаршилиқдир. Шу билан бирга у уларни инкор этмайди.

Lean ишлаб чиқариш тарихи ва методологияси

LEAN 2-чи жаҳон урушидан кейин Тойота корхонасининг саноатида ташкил топди. (XX асрнинг 40-йиллар охирида)

Lean мақсади - кўп маҳсулот ишлаб чиқариш эмас, аксинча кам маҳсулот яъни керакли маҳсулот ишлаб чиқариш. Бунда озгина маҳсулот аниқроғи керакли маҳсулот ишлаб чиқариб, истеъмолчи талабидан ортиқча маҳсулот ишлаб чиқармаслик.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда Инновацион технологияларни жорий қилишнинг самарадорлиги

Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмунини ўрганишдан олдин “инновация” ибораси тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш зарур. Ушбу тушунча инглиз тилидан олинган бўлиб, “innovation”, яъни янгилик, янгилик киритиш деган маънони англатади.

Ривожланишнинг инновацион типи (ингл. Innovation model of development) – ижтимоий ишлаб чиқаришда янги илғор технологияларга урғу бериш, юқори технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, микро ва макроиқтисодий жараёнларда илғор ташкилий ва бошқарув қарорларини

кабул қилиш - технопарк , техно полис, кам энергия талаб этадиган технологиялардан фойдаланиш сиёсати, ишлаб чиқариш фаолиятини интеллектуаллаштириш, иқтисодийни софтлаштириш ва сервислаштириш билан тавсифланади.

Инновация бу

Инновация- илмий тадқиқот ёки тажриба конструкторлик тажрибаларидан ўтган истеъмол бозори учун тайёрланган ва тижоратлаш жараёнидан ўтган изланишлар натижасидир.

Инновация – бу ўйлаб топилган изланишлар натижасида пайдо бўлган илмий тадқиқ қилинган ва синов амалиётидан ўтган маҳсулот, хизмат кўрсатиш тури ёки интеллектуал ресурсдир.

Инновацион ривожланиш концепцияси Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР), Жаҳон банки ва бошқа қатор халқаро ташкилотларнинг ташаббусига кўра кенг ривожланмоқда.

Инновацион ривожланишнинг методологик базасининг мажбурий элементи сифатида илмталаб ишлаб чиқаришнинг ривожланиши даражаси ва иқтисодийга интеллектуал ресурсларни жалб этиш даражасини қайд этиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш цехларнинг фаолиятини ўрганиш натижасида, хўжаликни рентабеллик кўрсаткичи қайта ишланган сабзаот турлари бўйича фарқ қилишини кўрсатмоқда. Ҳозир республикада консерва комбинатлари ҳар йили етиштирилган мева-сабзаот маҳсулотларни 15 фоизини қайта ишлаб келмоқда. Буларнинг рентабеллигини ошириш учун энг аввало маҳсулот сифати ва тури ҳақида қайгуриш керак.

Ишлаб чиқариш даражаси

- Ишлаб чиқариш юқори даражада сермеҳнат бўлиб, ишлар кам механизациялашган туфайли очик ердаги сабзаотчиликда кўл меҳнатининг салмоғи 70 фоизни, консерва саноатида 50 фоизни ташкил этади.
- Республиканинг мева-сабзаот саноати бир қанча йирик консерва заводларини ўз ичига олиб, уларнинг бутун товар маҳсулотлари ҳажмидаги салмоғи 40-50 фоизни ташкил қилади.

Хозирги кунда сабзавот махсуотларини етиштиришдаги муаммолар

- хозирги пайтда ишлаётган ускуналарнинг 50 фоиздан зиёдроғи маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган.
- унумроқ техника ва технологияни жорий этиш;
- корхонани хусусийлаштиришнинг иқтисодий усулларини тубдан такоминлаштиришга оид масалаларни ҳал этиш зарур;
- консерва заводларнинг иш самарадорлиги уларни қишлоқ хўжалик корхоналари билан боғлашни кучайтириш талаб этмоқда.
- хозирги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг даладан истенмолчигача ҳаракати маълум миқдордаги исрофгарчилик ва сифат бузилишлари билан кечмоқда.

Молиявий ва ташкилий сабаблар

- ❖ молиявий сабабларга кўра, ташкилий сабаблар туфайли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, товар сифатига қайта ишлов бериш ва саноат қайта ишловчи жараёнларини бирлаштириш қишлоқ хўжалиги доирасида доимо мумкин бўлавермайди.
- ❖ масалан, бир корхона фақат ғалла етиштирса-ю, аммо ун ишлаб чиқаришни ва нон ёпишни ташкил этмаса, унинг оладиган фойдаси салмокли бўлмайди. Айни пайтда жуда йирик фермер хўжаликлар ўзини иқтисодий ҳолатини янада яхшилаш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни, сақлашни, қайта ишлашни ва сотишни биргаликда олиб боришга ҳаракат қилмоқда.

Муаммони ҳал этиш йўллари

- Қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётган тадбиркорларнинг асосий қисми мини технология ва ускуналар тўғрисида малумотга эга эмаслиги
- Қишлоқдаги аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи мини заводлар бўйича техник тавсифномаларни таклиф этиш ушбу соҳада мавжуд муоммоларни ҳал этишни тезлаштириши мумкин.
- Мисол сифатида бир неча лойиҳаларни кўриб чиқиш мумкин:
- Меваларни қуритиш лойиҳаси
- Гўштни қайта ишлаш лойиҳаси
- Мевали ва сабзавотли шарбатлар ишлаб чиқариш лойиҳаси
- Сутни қайта ишлаш лойиҳаси

Интеллектуал мулк ва капиталнинг ҳаракатланиши, унинг ҳуқуқий муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш.

- Интеллектуал мулк ва капиталнинг шаклланиши.
- Интеллектуал мулк ва капиталнинг ҳуқуқий муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш.
- Илмий техника ишланмаларини тижоратлаштириш стратегияси. Илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялаш борасида давлат сиёсати.
- Замонавий инновацион стратегиялар ва инновациялар маркетинги.

Иқтисодиётда фан ва техникага ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишини ҳал қилувчи омили сифатида қаралади. Фан ва техникани ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ этилиши, инсоннинг интеллектуал салоҳиятини ривожланишига, турмуш тарзининг юксалишига, саноатнинг кенг ривожланишига имконият яратади ва жамиятнинг социал структурасига ижобий таъсир кўрсатади.

Мазкур жараёнлар фанда янгидан янги назарияларни шаклланишига, иқтисодий тараққиёт ва жамиятнинг ривожланишини таъминловчи асосий омилларга нисбатан қарашларни тубдан ўзгартирди. Фанда инсон ва интеллектуал капитал назариялари шаклланди.

Интеллектуал капитал — бу қийматга айлантрилиши мумкин бўлган билимлар, бошқача сўз билан айтганда, бу ишчи ва хизматчиларнинг эга бўлган билим ва кўникмалари йиғиндиси ва ташкилотнинг рақобат-бардошлигини шакллантирадиган билимлар мажмуасидир.